Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 30-dekabr • Shanba • 154 (27.645) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА АНЪАНАВИЙ «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ШОДИЁНАЛАРИ БОШЛАНДИ




**Шу** муносабат билан бу ерга серфарзанд, кам таъминланган оилалар ўғил-қизлари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари таклиф этилди.

Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар айнан шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир. Ижтимоий адолат, бағрикенглик, инсонпарварлик тамойиллари амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури янги таълим масканлари барпо этиш, мавжудларини капитал ва жорий таъмирлаш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш баробарида ўғил-қизларга пухта ва мукаммал таълим-тарбия олиш имконини бермоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида аввалги йилларда бошланган эзгу ишлар изчил давом эттирилиб, уларни янги, юксак босқичга кўтаришга йўналтирилган чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган 2007 йилда бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгаяди.

...Саҳнада Қорбобо ва Қорқиз, турли эртаклар қаҳрамонлари пайдо бўлади. Байрамга атаб саҳналаштирилган «Мўъжизалар бор экан!» томошаси болаларга катта қувонч бағишлайди. Эстрада юлдузлари, цирк усталари, «Томоша» болалар студияси, моҳир ижрочилар, болалар бадиий жамоалари иштирокидаги мусиқий дастурларни ҳам шодиёна иштирокчилари қувонч билан кутиб оладилар. Тадбир болажонлар ижросидаги «Президент арчаси» қўшиғи билан якунланади.



Байрамда иштирок этган барча ўғил-қизларга Президент совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

«Президент арчаси» шодиёналари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**
**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Жаноби Олийлари,

Қурбон ҳайити нишонланаётган файзли дамларда Сизга Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан самимий табрикларни йўллайман.

Аллоҳ таборака ва таоло дунё мусулмонларига барака ато этиб, ўзаро дўстона муносабатлар ва ҳамжиҳатлик риштаRAларини мустаҳкамлашда мададкор бўлсин.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз. Сизга доимий мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат тилаб қоламан.

**Сусило Бамбанг ЮДҲОЁНА,**
**Индонезия Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Бугун мусулмонлар муборак Қурбон ҳайитини нишонлаётган онларда Сиз, Жаноби Олийларига Тунис халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан энг самимий табрик ва холис истакларни йўллашдан бениҳоя мамнунман. Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст ўзбек халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Аллоҳдан бундай бахтиёр айёмларни барчамизга яхшилик ва баракотлар ила такрор қилишини, халқларимиз манфаати ва келажаги йўлидаги муштарак саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлашини сўраб қоламан.

**Зайн ал-Обидин бин АЛИ,**
**Тунис Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ислом аҳли учун муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман.

Ушбу фазилатли айёмда Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

**Али Абдулло СОЛИҲ,**
**Яман Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Қурбон ҳайити кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт, Ўзбекистон халқига эса осойишталик ва фаровонлик тилайман.

**Аҳмет Неждет СЕЗЕР,**
**Туркия Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муқаддас байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистоннинг барча мусулмонларини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Қурбон ҳайити кириб келиши муносабати билан менинг самимий табрик ва эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, соғлик, бахт ва муваффақият, дўст Ўзбекистон халқига фаровонлик ва тараққиёт тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

**Имомали РАҲМОНОВ,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга самимий табриклар йўллайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва хуш кайфият, Ўзбекистон халқига бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,**
**Иордания Подшоҳи**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Сизни ва гўзал диёримиз фуқароларини қутлуғ айём — Қурбон ҳайити муносабати билан улуғ ҳаж ибодатини адо этиш бахтига мушарраф бўлаётган ўзбекистонлик ҳожилар номидан самимий муборакбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча арконлари, хусусан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозирда ҳар йили беш мингдан ортиқ юртдошларимиз бундай муборак сафарга бориш шарафига муяссар бўлмоқдалар.

Айни кунда юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик — буларнинг барчаси мамлакатимиз раҳбариятининг оқилона сиёсати натижаси эканини янада теранроқ идрок этмоқдамиз.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара каби муқаддас заминларда туриб, юртимиз тинч, халқимиз фаровон, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган янги 2007 йил элимиз учун хайру баракотли бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Сизга, муҳтарам Президент Жаноблари, Аллоҳ таолодан мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат тилаб, халқимизни ва серқуёш диёримизни ҳамиша ўз паноҳида асрашини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

**Ўзбекистонлик ҳожилар номидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ**

*Саудия Арабистони, Макка шаҳри, Арафот водийси, 2006 йил 29 декабрь*

### Европарламент депутатлари:

## «ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ»

***Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий қонун ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини Европа парламенти депутатлари катта қизиқиш билан кутиб олдилар.***

Европарламентнинг португалиялик депутати, Европарламентнинг Марказий Осиё ва Монголия мамлакатлари билан алоқалар бўйича делегациясининг аъзоси Фаусто Коррейа ўз шарҳида шундай деди: «Европа парламенти аъзоларига юборилган мазкур қонун лойиҳасини олгач, унинг кенг кўламда муҳокама қилиниши борасидаги ташаббусни қутлашни истар эдим. Бу самарали фикр алмашувлар учун имкон яратиши билан бирга келгусидаги ҳаракатлар йўналишларини пухта белгилаб олишга ёрдам беради».

— Ўзбекистон Президенти тақдим этган ушбу қонун лойиҳаси мувозанатлашган ва у демократияга асосланган давлат талабларига тўла жавоб беради, — деб таъкидлади Ф.Коррейа. — Таклиф этилган Конституциявий қонун жуда пухта ўйланган ва у сиёсий ҳаётнинг жуда кенг соҳаларини қамраб олган.

Евродепутатнинг фикрича, қонун лойиҳаси сиёсий партиялардан ташқари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари йўналиши бўйича сайланган, алоҳида сиёсий яқинликка эга бўлмаган депутатлар гуруҳи фаолиятига ҳам дахлдордир. Бу эса мамлакат сиёсий ҳаётида кўп сонли фуқароларнинг фаол иштирок этишига жалб қилиш учун яхши имкониятдир.

Европарламентнинг Буюк Британиялик депутати Струан Стивенсон ўз шарҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистон Президенти тақдим этган Конституциявий қонун лойиҳаси мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш йўлида жуда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, С.Стивенсон Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтдан бошлаб демократияни янада ривожлантиришга интилаётганини аниқ-равшан билдириб келиши баробарида ўзининг демократия қадриятларига содиқлигини мамлакат халқига ҳамда жаҳон ҳамжамиятига намоён этиш учун бу йўлда изчил чора-тадбирларни кўраётганини ҳам таъкидлади.

Европарламентнинг Буюк Британиялик бошқа бир аъзоси Алан Смитнинг сиёсий маслаҳатчиси доктор Эйлин МакЛеод ўз шарҳида қайд этишича, Европарламентда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканини ҳамда Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида бениҳоя муҳим аҳамият касб этишини билишади.

Э. МакЛеоднинг маълум қилишича, Конституциявий қонун лойиҳасини ўрганиб чиққан Европарламент депутати А.Смит ушбу ҳужжат Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнининг муҳим қисми бўлади, дея ўз фикрини билдирган.

**«Жаҳон» АА**
*Брюссель.*

• ***Янги йил табриги***

## АЗИЗ ДЎСТЛАР!

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси партиянинг барча аъзолари ва электорати вакилларини муборак Қурбон ҳайити ҳамда Янги 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» билан қизғин табриклайди. Юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз бахт-саодати йўлидаги эзгу ишларингизда муваффақият тилайди.**



**Янги йилда мустаҳкам соғлик, тинчлик ва хотиржамлик, қувончли воқеалар ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!**

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси**

• ***Сайловчилар ҳузурида***

## ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИ

### САЙЛОВЧИЛАРНИ ҚИЗИҚТИРИБ ҚЎЙДИ

Яқинда Тахиатош шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннақиличеванинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Депутат ўзининг май-ноябрь ойларидаги депутатлик фаолиятига тўхталар экан, ўтган давр мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонун лойиҳалари муҳокамаси чоғида сайловчиларнинг талаб ва таклифлари, хоҳиш-истакларидан келиб чиқадиган кўплаб таклифлар илгари сурилганлигини таъкидлади.

— Ушбу қонун лойиҳалари барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш, давлат солиқ ва божхона хизматларини янада такомиллаштириш мақсадида юзага келаяпти. Шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят процессуал кодекслар, судлар тўғрисидаги қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам шу соҳадаги ҳуқуқий нормаларни давр талабларига мослаш, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

ЎзХДП фракцияси фаолияти асосан сайловчилар томонидан қўйилаётган талаб ва таклифларни ҳамда партия дастурий мақсадларини инобатга олган ҳолда ташкил қилинаяпти. Қонунчилик палатаси томонидан олиб чиқилаётган ҳар бир қонун лойиҳасида фракциямизнинг ўз нуқтаи назари бор. Партиямизнинг сўллик позицияси ва парламент озчилиги сифатидаги ўрни ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга холис баҳо бериш, муаммоларни очиқ-ойдин баён қилиш, қонунларимиз ижросидаги нуқсон ва камчиликларга муросасиз бўлиш, аҳолининг кам таъминланган қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ташаббусларида яққол намоён бўлаяпти.

Бундан ташқари, депутат ҳисобот даври мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бошқа давлатлар Парламентлари билан алоқалари изчиллик билан ривожланиб борганлигини ҳам таъкидлади. Жумладан, Қонунчилик палатаси делегацияси 20 марта хорижий давлатларда бўлиб қайтган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига эса хорижий парламентларнинг 17 та делегацияси ташриф буюрган.

Депутат ҳисобот даврида сайловчилардан 14 та ёзма, 19 та оғзаки мурожаат қабул қилган. Уларни тегишли ташкилотлар билан ҳал қилган ва сайловчиларга жавоб қайтарилган.

Учрашувда депутат сайловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб беришига тўғри келди. Йиғилишда ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Атаулла Асанов иштирок этди.

Худди шундай учрашувлар Амударё тумани ва Нукус шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ – BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

• *ЎзХДП вилоят кенгашларида*

# ПАРТИЯВИЙ ТАЪСИР — МУҲИМ ВОСИТА

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгашида партиямиздан сайланган халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва фаолларнинг давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида партия депутатлик гуруҳларининг ролини ошириш ва фаоллаштиришга қаратилган ишларнинг асосий йўналишлари ҳақида баҳс-мунозара бўлди. Дастлаб вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева патия депутатлик гуруҳлари фаолиятини атрофлича таҳлил қилди.

— Депутатлик гуруҳини тузишдан кўзланган мақсад нима? — дея тўпланганларга юзланди нотиқ. — Аввало, ана шу савол ечимини билишимиз даркор. Зеро, бундан кўзланган мақсаднинг кўлами кенг. Депутатлар орқали биз минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш масалаларини партиямиз Дастурида ифода этилган мақсад ва белгиланган вазифалар асосида рўёбга чиқаришимиз керак. Бунинг учун маҳаллий давлат вакиллик идораларида партиянинг таъсирини ўтказишга эришишимиз муҳим аҳамиятга эга. Хўш, энди айтинг-чи, ҳозир шунга эришаяпмизми? Албатта йўқ. Ўтган икки йил давомида турли даражадаги депутатлик гуруҳларимиз сессиялар кун тартибига бирорта ҳам муҳим ижтимоий масалаларни киритганлари йўқ. Бу эса партиявий таъсир ўтказишга тўсиқ бўлаётган муҳим омиллардан бири-ку, ахир!

Дарвоқе, ЎзХДПдан вилоят Кенгашига 16 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларига 102 нафар депутат сайланган. Аммо, улар уюшган депутатлик гуруҳларида ташаббускорлик ярқ этиб кўзга ташланмаяпти. Шу боис, вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, ичимлик сув, табиий газ таъминотида ижобий силжишлар айтарли кўринмаяпти.

— Бу муаммолар шундоққина кўз ўнгимизда турибди, — дейди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Робия Козимова. — Аммо, хотиржамлигимиз панд беряпти. Биз бу қусурдан қутулиш чораларини кўрибгина қолмай, балки ХДПдан сайланган депутатларга ўз бурчларини янада тўлароқ бажаришлари учун ҳам ҳуқуқий, ҳам услубий, ҳам ахборот ва ташкилий ёрдам кўрсатишга эътибор қаратяпмиз.

Давра суҳбатида сўз олган ХДПдан сайланган вилоят Кенгаши депутатлари Абдураҳмон Абдуллаев, Анвар Камолов, Вобкент туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Толиб Авезов ва бошқалар кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Суҳбат якунида депутатлик гуруҳлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган таклифлар умумлаштирилди ва галдаги ҳаракат дастури белгилаб олинди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

• *Партиямиз фаоллари*

# ҲАҚБЕРДИ ПОЛВОННИНГ КУРАШ МАКТАБИ

## ВА БОШҚА ҲАЙРЛИ ИШЛАРИ ҲАҚИДА

Бугун юртдошларимиз орасида фидоий инсонларни истаганча топиш мумкин. Улар замонавий йўллар, кўприклар, муҳташам бинолар қуриб, турфа кашфиёт ҳамда оламшумул янгиликлар яратиб, Ўзбекистонимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Жарқўрғонликлар орасидан ҳам кўплаб буюк ишлар ижодкорлари етишиб чиққан. Ана шундай элпарвар, тиниб-тинчимас инсонлардан бири Ҳақберди Норбоевдир. Халқаро кураш академиясининг ҳақиқий аъзоси, кураш бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган бу отахон чин маънода яратувчидир.

— Ўзбек кураши ҳаётим, борлиғим, — дейди Ҳақберди бобо. — 82 ёшгача турли давраларда бел олдим. Мамлакатимиз мустақилликка эришгунча турли давра, тўй ва тадбирларда олишардим. Шахсан Юртбошимизнинг жонкуярликлари боис, кураш қайта дунёга келди. Ўзбекистон чемпионлар юртига айланиб, ер юзидаги кўплаб мамлакатларда федерациялар ташкил топди. Бундан ғурурланмай бўладими, ахир?

Ўзимдан қиёс қилиб гапирадиган бўлсам, 1993 йилда Афғонистон, икки йил ўтгач, Саудия Арабистони, 2001 йилда Туркияда бўлдим. Украина, Грузия, Арманистон, Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон... Хуллас, дунё кезиб юрибман. Авваллари бундай шароит ва қулайлик бормиди? Истиқлол берган имкониятнинг бир қирраси мана шу. Ҳозирда ўнлаб, юзлаб шогирдларим бор. Ҳаётим шуларнинг ширин ташвиши билан боғланган. Айни дамда 200 нафардан ортиқ ўғил-қиз «Ҳақберди ҳожи Норбой ўғли» кураш клуби аъзоси.

...2001 йилнинг августида Венгрияда 3-жаҳон чемпионати ўтказилди. Фахрий полвонлар курашни бошлаб беришди. Кўзларимда севинч ёшлари... Яратганнинг ўзи мададкор бўлдими, рақибни бир қўлдаёқ «ҳалол» йиқитдим. Шундай қийқириқ бўлди-ей... Соқоли кўкрагига урадиган нуронийдан кўпчилик бундай ғайратни кутмаганди... Даврани тарк этмай, хорижлик журналистлар ўраб олишди. Японияда нашр этиладиган «Ворлд кураш чемпионс» журналининг 14 саҳифасида суратларим чоп этилди. Ушбу мусобақадан сўнг клуб ташкил этишга бел боғладим.

**Алишер Маматмуродов, ХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси:**

— Ҳақберди бобо Венгриядаги мусобақадан бир олам таассуротлар билан келди. Кураш клуби ташкил этиш режаси борлигини эшитиб ҳурсанд бўлдим. Бундай хайрли ва эзгу ишни олқишламай бўладими?



Хуллас, 2001 йилнинг охирларида клуб ўз фаолиятини бошлади. Секин-аста курашга қизиқувчи йигит-қизларнинг сони ортди. Ўтган йиллар давомида бу ердан кўплаб спортчилар, чемпионлар етишиб чиқди. Энг асосийси миллат саломатлиги йўлида таҳсинга арзигулик хайрли ишлар давом этмоқда. Ҳақберди Норбоев партиямиз фаолларидан. У курашни ривожлантириш йўлида изланиб, интилиб яшаяптди. Соғлом авлодни тарбиялаш ишига ҳисса қўшиб келмоқда. Клубда 200 нафардан ортиқ аъзо бўлса, шундан 15 нафари етим болалардир. 18 нафари эса кам таъминланган оилалар фарзанди... Фидойи инсон уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратган. Кийим-бош дейсизми, турли мусобақаларга ҳомийликми — барчасига имкон қадар ёрдам қилади.

Мазкур клуб қошида бадиий гимнастика тўгараги ҳам мавжуд. Бу ерда эллик нафарга яқин қизалоқ спортнинг нафис тури бўйича сабоқ олишмоқда.

**Гулбаҳор Тошмуродова, тумандаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчиси:**

— Уч йилдан буён шу клуб аъзосиман. Ўтган йили бадиий гимнастика бўйича вилоят чемпиони бўлдим. Дугоналарим билан «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида қатнашдик. Клубимизда барча шароитлар бор. Келажакда жаҳон чемпиони бўлиб, Ватанимиз обрўсини янада юксакларга кўтармоқчиман...

**Хадича Турсунова, уй бекаси:**

— Аслида ҳаёт турли синовлардан иборат экан. Мен ҳам икки нафар фарзандни асраб олганман. Мана тўрт йилдирки кураш клуби президенти ҳомийимиз. Фарзандларимнинг уст-бошидан тортиб, мусобақаларда иштирок этишигача Ҳақберди бобо ёрдам беради.

**Раҳмон Жумаев, нуроний:**

— Яқинда 105 ёшга тўлдим, болам. Ҳақберди полвон билан анча йилдан буён бордикелдимиз бор. Ўзиям зўр полвон. Ҳозирам тиниб-тинчимайди. Баъзи ишларини ёшлар уддалаши мушкул. Бугунги замонда ўзидан орттириб, клубга сарфлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Бундан ташқари ҳомийликларини айтмайсизми? Полвон ҳурмат, обрў-эътиборни меҳнатдан топди.

Унинг етти нафар ўғли, тўртта қизи бор. Бари оқил, мард фарзандлар. Ўзим шоҳиди бўлган бир воқеани гапириб берай. Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган турнир олдидан у элга ош берди. Борсам тумонат одам. Гўёки тўй... Шунда Ҳақбердининг ўғли Алишержон бир даста пул келтирди. «Ота, иккита отни сотгандим, зарур бўлса ишлатарсиз», — дедию чиқиб кетди. Мана, сизга ҳақиқий тарбия! Жонкуярлик, полвонларга хос мардлик, тантилик...

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан яқинда мазкур клубда яна бир кураш мусобақаси ўтказилди. Ғолиб ва совриндорлар ХДП Жарқўрғон туман кенгашининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Эҳтиром китоби»га киритилган Ҳақберди Норбоев ана шундай эътирофларга лойиқ фаолларимиздан.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири,**
**Бахтиёр АЛИҚУЛОВ,**
**журналист**

# НЕФТЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Бундан тўққиз йил муқаддам Қоровулбозорда нефтни қайта ишлаш заводи қурилганлиги боис саҳро ўртасида мўъжазгина нефтчилар шаҳарчаси пайдо бўлганди. Илгари чўл шувоғидан бўлак ҳеч нарса ўсмайдиган жой эндиликда жаннатнинг ўзгинаси. Ҳар тўкисда гулу гулзор, хиёбон, янги қурилишларга дуч келасиз. Шаҳарча кун сайин кўркамлашиб, одамларга гавжумлашиб бормоқда. Бунинг боиси бор, албатта.

Янги йил арафасида яна бир эсда қоларли воқеанинг шоҳиди бўлган қоровулбозорликлар шинам ҳовлилар эгаси бўлишди. Бунинг устига шаҳарчада ўзгача меъморий ечим касб этган Саломатлик маркази, замонавий бозор қурилиб, фойдаланишга топширилди. — Буларнинг бунёд этилишига завод маъмурияти ҳомийлик қилди.

— Ҳар бир санани биз туҳфасиз қаршиламаймиз, — дейди нефтни қайта ишлаш заводи директори, ЎзХДПдан вилоят Кенгаши депутати Шамшиддинхўжа Сайдаҳмедов. — Биргина якунланаётган йилда ишчиларимиз учун 50 та коттеж, Ёшлар маркази, ёзги дам олиш кўли бунёд этиб, ишчиларни ижтимоий ҳимоялашнинг қатор тадбирларини амалга оширдик.

Дарвоқе, нефтчиларга яратилган бундай қулайлик ва хайрли ишларнинг кўлами кенг. Буларнинг барчаси кириб келаётган «Ижтимоий ҳимоя йили» мақсад-моҳиятига ҳамоҳангдир.

**(Ўз мухбиримиз)**

• *Мулоҳаза*

# БОЛАЛИКНИ АСРАНГ!

Бугунги давр шиддат билан кечаяпти. Тараққиёт мислсиз юксаликка чиқди. Тараққиёт тўс-тўполоннинг инсон кўнглидаги олий қадриятларни емириб юбориш хавфи кутилмоқда. Айниқса, миллатимиз учун ўзликни асраб қолиш, миллий туйғу ва руҳни ўзимизга хос улуғ фазилатларни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли миллат келажаги — беғубор болалик ва ўсмирликни асрашдан иборат бўлиб қолди.

Бугун дунё турли хил ғоялар таҳликасида. Бу ғоялар бўрони эса бизгача етиб келди.

Шундай экан, кўнгилда иштибоҳ туғилади...

Нега инсонпарвар, жаҳонга машҳур Нозим Ҳикмат «Дунёни болаларга берайлик!» деб бонг урди экан?!

Нега гуржи адиби, ўз халқининг ардоқли фарзанди Нодар Думбадзе «Агар ер юзида болалар бўлмаса, биз катталарнинг гуноҳларимиз эвазига аллақачон осмон узилиб тушиб ерга қапишиб қоларди, хайриятки осмонни болалар ушлаб турибди», деб ёзди?..

Нега тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйиб улгурган, спорт оламидаги энг ёрқин юлдуз, афсонавий Пеле футбол билан хайрлашаётиб стадионда планета аҳлига қарата фақат: «Болаларни севинг!!!» деёлди кўзларида ёш ғилтиллаб?

Нега улуғ шарқ файласуфи: «Фарзанд тарбиясида кечикканлар яшашдан, ҳаётдан кечикадилар, улар сўнгра ҳеч нарсага улгуролмайдилар...» дейди?

Нега қадимдан бизнинг боболаримиз фарзанд тарбиясини бошга тож қилишган? Ҳазрат Навоийнинг, Бобурнинг, Улуғбекнинг болалигини эсланг. Уларда ҳамма нарса етарли эди — улар ўйин-кулги, завқ-шавқ, сийлову эркаликлар ичида, азизу арзанда бўлиб ҳам яшашлари мумкин эди-ку?.. Йўқ, улар мурғаклигиданоқ илмнинг заҳмати, мутолаанинг ўзига хос завқи ва машаққатларига дуч келишди. Уларни оиладаги тарбия қаттиққўллиги камолга етказди. Болаликда олинган билим тошга ўйиб ёзилган битик сингари тафаккур лавҳидан сира-сира ўчмаслигини қадим аждодларимиз чуқур ҳис қилишган.

Бугун ҳам ота-она, жамият, Ватанга яхши гап, мақтов, обрў олиб келаётганлар асли юксак тарбия топиб вояга етган фарзандлардир. Бугун баркамол авлод орзуси давлат сиёсати даражасига кўтарилган мустақил Ўзбекистон болалари юртимиз шаънини кўкларга кўтаришяпти...

Жаҳон чемпионати дейсизми, Осиё чемпионати дейсизми, улкан беллашувларда ғолиблик шоҳсупасига чиққан ўғил-қизларимиз шаънига юрт байроғи кўтарилиб, Ватан мадҳияси янграганда, уларнинг кўзидаги севинч ёшларини кўриб, қанийди шу бола менинг фарзандим ҳам шундай бўлса, деган ўй хаёлингиздан кечиши табиий. Шу болаларнинг муваффақиятини кўриб турган бахтли ота-онанинг юраги ҳапқириб, кўзидан қувонч ёшлари оқишини сабабини ҳам яхши англаймиз. Улар айни дамда тарбия заҳматининг тотли меваларини татишаётганини биламиз. Бироқ, барчамиз ҳам фарзанд тарбиясида оталик-оналик бурчимизни ҳис этяпмизми?..

Ҳеч биримизга сир эмас, айрим давлати зиёда, пулдор, қўли узун ота-оналар боласи учун анча барвақт ҳамма шароитни муҳайё қилади. Тагига машина олиб беради. Тилла-тақинчоққа кўмади. Ўқишга киришга ёрдамлашади, иш ҳам топиб беради. Лекин тарбия, инсоний фазилатлар эгаси қилиб камол топтириш ҳақида унчалик ўйлаб ўтирмайди. Бугун фарзандимизни моддий жиҳатдан таъминлаш, айтган-айтмаганини муҳайё қилиб беришимиз керакми ёки ўз кучи билан пишиб, тобланиб вояга етгани яхшими? Ахир бизни уларга умрбод боғлаб қўймаган-ку.

Ҳар хил ота-она бор. Айримлари уйига меҳмон келса, тили энди чиқаётган боласига «Қани амакингни бир сўкиб қўй» деб ҳузурланади, мақтанади. Бошқаси боласига қарата: «Ўғлим, амакингга битта шеър айтиб бер дейди». Биринчи бола сўкинади... Иккинчи бола шеър ўқийди... Мана сизга икки хил тарбия, икки хил дунё... Қайсидир уйда фақат пул, пул, пул ҳақида гап кетади. Кимни алдаш, кимни чув тушириш ҳақида гап боради. Бу хонадонда бола қалбига иймон-эътиқод нури сингиши мумкинми? Қайсидир хонадонда эса эзгулик, яхшилик, китоб ҳақида сўзлашишади... Бу уйнинг боласи ботини чароғон тортиб улғаяди.

Айримларимиз: «Болам менинг даври-давронимда ўйнаб қол. Ёшликнинг шавқини тот!» деган тушунчадамиз. Боламиз кечаси билан қаерда санғийди, қайси барда ёки дискотекада бўлади, давраси қанақа, ўртоқлари ким, эътибор қилмаймиз. Бола-да, ўйнаб-кулсин деймиз. Бироқ, тарбия занжири халқалари бир-бир узилиб кетаёганини англамаймиз. Ҳозирги кунда миллатимиз минталитетига терс мафкуравий хуружларга эса бу ҳолат, яъни фарзандимизни назоратсиз қолдиришимиз қўл келади.



Кўпчилик билади ҳозир бирор-бир юртни босиб олиш учун ўша жойга қурол кўтариб кириш шарт эмас бўлиб қолди. Мафкура хуружи билан ўша юртнинг ёш авлоди — эртанги куни, онгини, қалби-шуурини, тафаккурини заҳарлаш кифоя. Бунинг йўллари эса жуда кўп. Ёвузлик ва фаҳш урчиган фильмлар, парнографик, қотиллик руҳидаги асарлар, қулоқни қоматга келтирадиган бадабанг ғарб куй-қўшиқлари, «глобал санъат» намунаси деб аталмиш роклар, интернет сайтлари орқали тарқатилаётган бешарм манзараларнинг бари-бари дунёни мафкура кучи билан эгаллашга уринаётган кучларнинг қўлидаги қуролга айланди.

Бугун «болаликни асраш» деган тушунча дунёвийлашиб бораяпти. Болаликни, ўз келажагини асрай олган миллат эса ўзини асраб қолади. Эртанги кунини асраб қолади.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

• *Кўргазма*




## Андижон:

# ҲАР ГЎШАДА БАЙРАМ НАФАСИ

Ҳа, бугун юртимизнинг ҳар гўшасида байрам кайфияти. Вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси ташкил этган савдо кўргазмалари худуд аҳлига байрам совғаси бўлди. Шаҳарнинг Истиқлол кўчасидаги кўргазма сархил ноз-неъматларга тўла катта дастурхонни эслатади. Савдо ходимлари сидқидилдан харидорлар хизматида.

— Ажойиб ярмарка бўлибди, — дейди Марғубахон Сатимова, — мева-сабзавот сероб, ташкилотчиларга минг раҳмат.

— Хариддан кейин бу ерда бир пиёла чой ичишга ҳам шароит яратилгани маъқул иш — гапга қўшилди Гулбаҳор Абдумажидова. — Энди тамадди ҳам қилиб қайтамиз.

Кўргазмага Жалақудуқ улгуржи мева-сабзавот корхонаси вакиллари олма, олхўри, гилос, ўрик шарбатлари келтиришган бўлса, пахтаободликлар кўп турда озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишган. Шаҳрихон, Улуғнор, Булоқбоши туманларига тегишли кўчма дўконлар олди харидорлар билан айниқса, гавжум.

— Печеньелардан эртага ҳам келтиришга буюртма беришди, — дея мамнунлигини изҳор этди Кўрғонтепа нон ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти дўкони сотувчиси Ферузахон Баҳромова. — Савдо бўлса аҳолига ҳам, бизга ҳам яхши-да...

Куйганёрдаги мини-маркет кўргазмада «Асакадонмаҳсулот»да тайёрланган сифатли уннинг ҳар килограмми 270 сўмдан сотилаётгани ҳам мижозларга маъқул...

— Янги йил, Қурбон ҳайити кунлари аҳолига кўнгилдагидек савдо хизмати кўрсатиш ҳаракатидамиз, — **дейди вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси бўлим бошлиғи Равшанбек Шайхисломов.** — Бунинг учун 3800 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захираси яратдик. Андижоннинг қатор кўчалари ва даҳаларида ярмаркалар ташкил этиб, Янги бозор, Эски шаҳар деҳқон бозорларида дўконлар савдосини йўлга қўйдик... Мақсадимиз — ҳар ким ҳам Янги йилни тўкин дастурхон атрофида хушкайфият билан кутиб олишларига ҳисса қўшиш...

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратларда:** *савдо кўргазмасидан лавҳлар.*
**Хурсандбек АРРАБОЕВ олган суратлар**



## ЯНГИ КОЛЛЕЖЛАР ИШГА ТУШДИ

**ФАРҒОНА (ЎзА мухбири М.Сулаймонов).** Янги йил байрами арафасида Бешариқ туманидаги Рапқон қишлоғида маиший хизмат касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Замонавий, кўркам ўқув биноси, спорт зали, ошхона ҳамда бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрига берилди. Коллежда маиший хизмат ҳамда иқтисодиёт соҳалари бўйича кадрлар тайёрланади.

Худди шунингдек, Ёзёвон туманида ҳам иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг муҳташам, янги биноси ўқувчиларни бағрига олди.

— 2006 йилда вилоятимизда саккизта замонавий касб-ҳунар коллежи барпо этилди, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи Жалолхон Ғофуров. — Ўқув юртларимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларимизнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча имкониятларни ишга соляпмиз.

● *Баркамол авлод орзуси*

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ

## ДАДИЛ ОДИМЛАЁТГАН ЖАМОАНИНГ ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАРИ



Мамлакатимиз Президенти ўз нутқларидан бирида юртимиз ёшларига қарата: **«Булар мустақиллик фарзандлари, менинг набираларимдир. Биз эккан истиқлол ниҳоллари бугун азим дарахтларга айланди. Улар кўзни қувонтириб, мана шундай ажойиб ҳосил бера бошлади. Буларнинг толеи, бахту иқболи ҳали олдинда. Она Ўзбекистонимиз каби фарзандларимизнинг ҳам келажаги буюкдир»** деган эди. Мен мана шу ҳақда ўйлаганимда, ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида тинимсиз изланишимиз, кечаю кундуз ҳаловат билмай меҳнат қилишимиз зарурлигини ҳис қиламан.

Мен ўқитувчи сифатида фахр билан шуни айтаманки, мустақиллик йилларида амалга оширилган энг улуғвор ишлардан бири — таълим тизимидаги ўзгаришлардир. Бизнинг коллежимиз ҳам истиқлол туфайли юзага келди.

2004 йилда ўқув масканимизга коллеж мақоми берилгач, унинг нафақат номи, балки шарт-шароити, ўқувчиларга таълим-тарбия бериш сифати ҳам тубдан ўзгарди. Малакали ўқитувчи-мураббийлар жалб этилди, замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар, энг сўнгги русумдаги компьютерлар олиб келинди. Бугунги кунда коллежимизда 2 та компьютер, физика, кимё, биология фанлари бўйича лаборатория хоналари мавжуд. 220 ўринли ётоқхона, ошхона, спорт майдончаси, 200 ўринли кутубхона, «Ёш тарихчи», «Ёш биолог», «Табиатшунослик», «Енгил атлетика» каби 15 та тўгарак бугун ёшлар хизматида. Ўқув масканимизда «Бошланғич синфларда таълим-тарбия», «Мактабгача таълим», «Мусиқа раҳбари» йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. 1000 нафарга яқин ўқувчига Ирисой Маҳмутова, Муяссар Жўраева, Азиза Йўлдошева, Зилола Ҳакимжонова, Клара Мирзааҳмедова, Абдулла Камолов, Наим Туйғунов, Хуршид Аҳадов каби ўз соҳасининг жонкуяр мураббийлари сабоқ беришмоқда.



Бугунги ёшлар жуда интилувчан. Билим салоҳияти жиҳатидан дунёнинг ҳеч қайси мамлакат ёшларидан қолишмайди. Буни бутун дунё эътироф этмоқда. Асосийси, улар ўқишга, изланишга ташна. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда айни пайтда коллежимизда таълим ўзбек, рус ва қозоқ тилларида олиб борилмоқда. Шунингдек, билим даргоҳимизда дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шарт-шароит яратишга ҳам жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Табиийки, бугун аксарият ёшлар бўш вақт топилди дегунча кутубхонага ошиқишади. Биз ана шуларни ҳисобга олган ҳолда кутубхонамизни тез-тез янги бадиий китоблар, ўқув адабиётлари ва электрон қўлланмалар билан бойитиб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Айни пайтда бу ерда 17285 нусхадаги турли нашрлар, 4445 нусхада дарслик ва адабиётлар мавжуд. Ўқитувчи-мураббийларимиз томонидан ҳам талабаларга ўқув қўлланмалари яратиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Шуни фахр билан айтиш мумкинки, ўтаётган 2006 йил коллежимиз жамоаси учун жуда омадли келди. Ўқувчиларимиз республика миқёсда ўтказилган кўрик-танлов ва олимпиадаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. Хусусан, Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган «Маърифатли юрт фарзандиман» кўрик-танловининг республика босқичида 3-курс талабаси Дилрабо Бегимқулова фахрли 2-ўринни эгаллади. Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловида ўқув юртимиз жамоаси ғолиб бўлди. «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзи» шиори остидаги ўқувчи-қизлар спорт фестивалида эса ёшларимиз 3-даражали дипломга сазовор бўлишди. Албатта, бу ютуқлар замирида таълим-тарбия бераётган ўқитувчи-мураббийларимизнинг тинимсиз меҳнатлари ва изланишлари ётибди.

Янги йил арафасида табиийки, ҳар бир инсон, жамоа йил давомида амалга оширган ишларини сарҳисоб қилади, келгуси режаларини белгилайди. Бизнинг аҳил жамоамиз юзи ёруғ бўлиб, «Ижтимоий ҳимоя йили»ни катта эзгу ниятлар билан кутиб олмоқда. Янги йилда ютуқларимиз янада кўпайиши, таълим-тарбия ишларида янги тажрибалардан самарали фойдаланиб, малакали, эътиқодли, ватанпарвар кадрларни кўпроқ тайёрлаш ниятидамиз. Бунинг учун коллежимизда барча шарт-шароит мавжуд.

**Насиба КАМОЛОВА,**
**Тошкент вилояти педагогика коллежи директори, педагогика фанлари номзоди**

**Суратларда:** коллеж ҳаётидан лавҳалар.



XORIJDA

### ЯНГИ УЙЛАР ҚУРИЛАДИ

2007 йилда Россияда 55 миллион кавдрат метр уй-жой қурилиши мўлжалланган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугун ушбу мамлакатда ипотека кредитларини бериш кенг ривожланмоқда. Янги уйлар барпо этиш учун 2006 йилда 2005 йилга нисбатан 4 баробар кўп кредит ажратилган.

### ҚОТИЛЛИК СОНИ ОШГАН

Америка Қўшма Штатларининг кўпгина шаҳарларида сўнгги йилларда қотилликлар сони ошган, деб хабар беради Associated Press агентлиги.

Агентлик маълумотига кўра, Нью-Йоркда қотиллик содир этиш ўтган йилга нисбатан 10 фоизга кўпайган. Лекин 2005 йилги кўрсаткич сўнгги 40 йил давомидаги энг паст кўрсаткич бўлган. Бошқа шаҳарларда, масалан, Цинциннат, Окленд, Филадельфияда ҳам кейинги ўн йилга нисбатан қотиллик жинояти содир этиш ошган.

### МАЖБУРИЙ ҚЎНИШ

«Москва — Женева» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «Аэрофлот» авиакомпаниясига қарашли самолёт Прагага қўнишга мажбур бўлди. Сабаби — йўловчилардан бири, аниқроғи, Евгений Догаев тажовузкорлик билан самолётни Кипр томон буришни учувчилардан талаб қилган. Шунингдек, у ўзида портловчи восита борлигини маълум қилган. Самолёт қўндирилгач, стюардессалар ва бир нечта йўловчилар безорини зарарсизлантиришган. Чехия полицияси ва хавфсизлик хизмати томонидан самолёт борти обдон текширилиб кўрилгач, сўнг учишга рухсат берилган.



### ДАСТУРХОНДА ДОРИНГ БЎЛСИН



Янги йил байрами арафасида Белоруссия соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакат аҳолисига мурожаат қилиб, фуқаролардан байрам дастурхони устида имкон қадар нафсни тийишни, шунингдек, ошқозон касалликлари учун ишлатиладиган дорилар, валидол, зелёнка ва бинтларни захирага олиб қўйишни сўради. Бу мурожаатнинг мазмуни шундан иборатки, кузатув ва таҳлилларга кўра, айнан Янги йил кечаси ошқозон-ичак, юрак касалликларидан нолиб, турли даражада тан жароҳати олиб, шифохоналарга борадиган беморлар сони ортар экан. Бундай ҳолат кўпроқ Белоруссиянинг йирик шаҳарларида қайд этилар экан.

### АВТОҲАЛОКАТ ОҚИБАТИДА...

Пайшанба куни Эроннинг марказий қисмида йўл-транспорт ҳалокати оқибатида мамлакатнинг адлия вазири Жамол Карими-Рад ҳалок бўлди. Дастлабки тергов маълумотларига кўра, вазир ўтирган автомобиль йўлда юк ташувчи машина билан тўқнашиб кетган. Фалокат натижасида вазир оиласининг икки аъзоси ҳам жароҳатланган. Улар ҳозир касалхонада.

Эронда сўнгги беш йил давомида йўл-транспорт ҳалокати оқибатида 100 минг киши бевақт ҳаётдан кўз юмган.

### КАЗИНО ҚАЕРДА ЎЙНАЛАДИ?



Қозоғистон парламентининг қуйи палатаси юқори палата томонидан тузатиш учун киритилган «Ўйинли бизнес тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Энди бу қонун лойиҳаси имзолаш учун Қозоғистон президентига юборилади. Ушбу қонун лойиҳасига кўра, 2007 йилда казино ва автомат ўйинлари ўйналадиган заллар мамлакатда махсус ташкил этиладиган ҳудудларга жойлаштирилади. Аниқроғи, 2007 йилнинг 1 апрелдан бошлаб, «қиморхоналар» мамлакатнинг шимолидаги Щучинск тумани ҳудудида ва жануби-шарқдаги Капшағай сув омборининг ўнг ёқасида жойлаштирилиши мумкин. Шунингдек, ушбу янги ҳужжатда «ўйинчилар»нинг ёши чегараланган — 21 ёшдан. Илгари эса бундай чеклаш йўқ эди. 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Қозоғистонда 132 та казино мавжуд бўлган бўлса, ўйин заллари очишга лицензияси борлар сони эса 2 мингтани ташкил этган.

### ШОШИЛГАН ҲАЙДОВЧИ...

Пайшанба куни Мексикада юк ташувчи поезд билан йўловчи автобуси тўқнашиб кетди. Бунинг оқибатида 19 киши ҳалок бўлган, 12 киши эса жароҳатланган. Бошқа айрим маълумотларга кўра эса 22 киши ҳалок бўлиб, 9 киши жароҳат олган.

Ҳалокат Мехико шимолидаги Куатитлан шаҳрида содир бўлган. Дастлабки маълумотларга кўра, айбдор автобус ҳайдовчиси бўлиб, у поезд яқинлашиб келаётганини кўрган бўлса-да темирйўлдан ўтиб кетишга уринган.



### 660 НАФАР ФАЛАСТИНЛИК ЎЛДИРИЛГАН

Исроил ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти — B'Tselem маълумотига кўра, 2006 йилда Исроил ҳарбийлари ҳаракати натижасида 660 нафар фаластинлик ҳалок бўлган. Бу ўтган 2005 йилга нисбатан 3 баробар кўпдир. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳалок бўлганларнинг 322 таси ҳеч қандай ҳарбий ва бошқа мажбурий ҳаракатларда қатнашмаган. B'Tselem ҳисобот-хабарига кўра, ўлганларнинг 141 нафари вояга етмаганлар бўлган. Шунингдек, бугунги кунда 9075 нафар фаластинлик Исроилдаги қамоқхоналарда сақланмоқда.

Ўтган йили фаластинлик қўпорувчиларнинг ҳаракати натижасида 23 нафар исроиллик ҳалок бўлган. Шундан 6 нафари ҳарбий.

● *Солиқ тизими*

# МУҲИМИ ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ

Ҳозирги пайтда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётганлар сони тобора ортмоқда. Айниқса, замонавий ошхона очиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатаётганлар анчагина. Нақд пул тушумининг барқарорлиги уларнинг нечоғли қонуний фаолият юритаётганига ҳам боғлиқ. Шу боис Давлат солиқ инспекцияси томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг кундалик тушумлари таҳлил қилиниб, шубҳали ҳолларда назорат тадбирлари ўтказиляпти.

Бундан кўзланган асосий мақсад — қонунчиликни таъминлаш, нақд пул тушумини тартибга солиш, бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барча соҳалар бўйича аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни назорат қилиш.

«Мону-чеҳрий» хусусий фирмасига қарашли ошхонада қисқа муддатли текшириш бўлиб ўтди. Назорат тартибидаги харид жараёнида мижозга 800 сўмлик хариди учун касса чеки берилмади. Текширишда эса шу кунги 94 минг 275 сўм савдо тушумининг атиги 13 минг 200 сўми назорат-касса машинасига кирим қилингани маълум бўлди. Қолган 81 минг 75 сўм эса касса аппаратини четлаб ўтган. Натижада текшириш ҳужжатлари асосида ҳуқуқбузарга нисбатан тегишли чора кўриш учун ҳозирда суриштирув ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида нақд пул тушумини тартибга солиш мақсадида 202 та қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, уларнинг барчасида камчиликлар аниқланди. Хусусан, 103 ҳолатда 1 миллиард 71 миллион 499 минг сўм нақд пулларни назорат-касса машинасига кирим қилмаслик, 3 ҳолатда умуман назорат-касса машинаси ўрнатмасдан фаолият кўрсатиш каби ҳуқуқбузарликлар аниқланди.

Нақд пул тушумини кўпайтириш учун бозорларда ҳам бир қатор назорат тадбирлари олиб борилмоқда. «Жаҳон бозори» ОТАЖда қисқа муддатли текшириш бўлиб ўтди. Аниқланишича, НКМ орқали 12 минг 100 сўмлик патта чеклари чиқарилган бўлса-да, ҳақиқатда кассага 45 минг 800 сўм пул тушган. Тадбир давомида мижозларга патта бермасдан пул олиш каби қоидабузарликлар фош этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 августдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 28 июлдаги «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабларига асосан мавжуд бозорларимиз ихтисослаштирилиб, бозор раҳбарларининг масъулияти янада кучайтирилган. Ушбу қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида шу йил 211 та текшириш ўтказган бўлсак, уларнинг барчасида турли қоидабузарликларга дуч келинди. Жумладан, 14 ҳолатда акциз маркаларисиз тамаки маҳсулотлари сотиш, 121 ҳолатда импорт товарлар билан ноқонуний савдо қилиш каби ҳолатлар бартараф этилди. 191 та текшириш ҳужжатлари тегишли чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларга тақдим қилинди.

Бугунги кунда ходимларимиз томонидан деярли барча савдо шоҳобчаларида мониторинг ва ўрганишлар олиб боріляпти. Бу тадбирлар ҳуқуқбузарликларни аниқлаб, фақат жазо беришгина эмас, балки тадбиркорларни қонуний фаолият юритишга йўналтиришга хизмат қилаяпти.

**Ҳамидхон МЎМИНОВ,**
**Наманган шаҳар ДСИ бўлим бошлиғи.**

● *Йўловчи манфаати*

## ЯНГИ АВТОБУСЛАР

Урганч шаҳрининг ички йўналишларида йўловчиларни ташиш хусусий киракашларга қолганди. «Дамас» ва бошқа русумдаги машина эгалари эса ёнилғини баҳона қилиб исталган пайтда йўлкира нархини кўтаришга ўрганиб қолишганди.

Урганч шаҳар автобус саройига ўн дона «ПАЗ» русумли автобус келтирилди. Улар шаҳарнинг тўртинчи ва еттинчи йўналишларида йўловчиларга хизмат кўрсатишга киришдилар.

Россияда ишлаб чиқарилган ушбу замонавий автобуслар ТошПАЗ техмарказ қўшма корхонаси билан 378 миллион сўмга келишув асосида олинди. Гарчи, автобуслар беш йилга кредит эвазига олинган бўлса-да, ўз қийматларини уч-тўрт йилда қоплаши кўзланмоқда.

**Рўзимбой ҲАСАН**

● *Хотира — муқаддас*

# ЖАҲОН ТАН ОЛГАН ОЛИМ

## ёки XX асрнинг машҳур кишиларидан бири деб эътироф этилган тиббиёт илми жонкуяри, академик Ўктам Ориповнинг ҳаёт йўли, ибратли фазилатлари ҳақида

Ҳар қандай янгиликнинг ижобий ва фойдали томонлари бўлади. Аммо у фаннинг бирор соҳасига тегишли бўлса, ҳам илмий жамоатчилик томонидан кўпдан кутилаётган самарани берса, бу янгилик наинки илм-фан, балки бутун халқнинг, миллатнинг бойлигига айланади. Ана шундай янгилигу оламшумул тадқиқотларни тезда илғаб оладиган, доимо тиббиёт илми йўлида қайғурган, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, академик Ўктам Ориповнинг ҳаёт йўли бағоят ибратлидир, десак хато қилмаймиз.

Ўктам Орипов 1927 йили хизматчи оиласида таваллуд топди. Унинг отаси Ориф Олимжонов ўша даврдаги таниқли шахслардан бири бўлганлиги боис мустабид тузумнинг қатағон сиёсати қурбонига айланган эди. Табиийки, оилага ёрдам бериш ёш Ўктамнинг зиммасига тушади ва меҳнат фаолиятини эрта бошлашга мажбур бўлади. У 1973 йили ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд тиббиёт институтига ўқишга киради. Шу даргоҳда илмий изланишларини давом эттирган ёш мутахассис йиллар ўтиб тиббиёт фанлари доктори, профессор, умумий жарроҳлик кафедраси мудири, факультет декани ва ўқув ишлари бўйича проректор бўлиб ишлади.

Ўктам Орипов ўз изланишларини замон талаби билан ҳамоҳанг олиб борар эди. Жаҳонда ядро уруши хавфи ошиб бораётган бир пайтда унинг илмий ишлари мавзуси радиация нури таъсирида тана тўқималари мураккаб шикастланганда бўладиган ўзгаришлар ва нур касалига дучор бўлган беморларда асаб, суяк, мушак тўқималарини жароҳатдан кейин битишига доир қатор назарий ва амалий ишлардан иборат бўлди. Айни чоғда олим ва унинг шогирдлари томонидан асослаб берилган нурланиш оқибатидаги касалликнинг яширин кечиш шакли узоқ йиллар давом этиши ва фақат танага жароҳат етказилгандагина намоён бўлиши билан белгиланиши жаҳон тиббиёт жамоатчилиги эътиборини ўзига тортди. Бу эса кейинчалик Ўзбекистонда ўзига хос тиббиёт радиологияси мактаби ташкил топишига асос бўлди.

1970-80 йилларда дунё тиббиёт илми олдида одам танаси аъзоларини кўчириб ўтказиш ва шу амалиётдан сўнг ривожланадиган тўқималар номутаносиблигини бартараф қилиш муаммолари турарди. Бу йўналиш ҳам ёш олим назаридан четда қолмади. У 1972 йили Марказий Осиёда биринчи бўлиб буйрак кўчириб ўтказиш амалиётини бажарди. Шу даврдан бошлаб бир танадан бошқа бир танага ўтказилган аъзони яшаб қолиши учун тўқималар номутаносиблигини енгишга қаратилган илмий изланишлар бошланди.

Олим томонидан академик Обид Содиқов билан ҳамкорликда пахта ғўзапоясидан ажратиб олинган госсипол моддасининг ҳосилаларидан яратилган батриден ва мегасин препаратлари ҳозирги кунда ҳам дунёнинг кўпгина давлатларида аъзолар кўчириб ўтказилганда қўлланиладиган дорилар қаторида ишлатиб келинади. Ўктам Орипов раҳбарлик қилган илмий тадқиқотларнинг эътиборга молик ҳисобланганларидан яна бири — қандли диабет касаллигида қоракўл қўзичоқларини меъда ости бези ҳужайраларини бемор танасига кўчириб ўтказиш усули дунё олимлари эътиборини ўзига жалб қилган эди. Айнан қандли диабет касаллигини даволашда олим томонидан кашф қилинган ушбу усул бутун жаҳон эндокринология фанида катта бурилиш ясади.

Ўктам Орипов, қатор йиллар Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)да, сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлигида масъул лавозимларда меҳнат қилди. Ана шу кезларда у ихтисослашган тиббий хизматни республика соғлиқни сақлаш тизимига киритишда катта жонбозлик кўрсатди. Жарроҳликнинг турфа йўналишлари бўйича марказлар ташкил этилди. Жумладан, олим томонидан асос солинган «Сунъий буйрак» буйрак кўчириб ўтказиш маркази, магистрал қон томирлар жарроҳлиги, панкреатобилиар жарроҳлик, колопрактология каби марказлар Ўрта Осиёда ягона бўлиб, бугунги кунда ҳам беморларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга соҳанинг мазкур бўғинларида илмий тадқиқотлар олиб боришда муҳим вазифаларни бажариб келмоқда.

Ўктам Орипов тиббиёт илми ривожига қўшган ҳиссаси учун юртимиздагина эмас, балки хорижда ҳам қатор илмий унвонлар билан тақдирланди. Бир неча нуфузли академияларнинг академиги бўлди. Умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда қўшган салмоқли ҳиссаси боис у 2001 йили февраль ойида жаҳон илм аҳли томонидан XX асрнинг 500 нафар буюк олимларидан бири деб тан олиниб, шундай ҳурматга сазовор бўлган машҳур тиббиёт намояндалари — Конрад Рентген, Зигмунд Фрейд, Александр Флеминг, Ваксман Зельман, Владимир Демихов кабилар қаторида эътироф этилган эди. Унинг раҳбарлигида 25 та докторлик ва 64 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Олимнинг бир неча монографиялари бошқа тилларга таржима қилиниб, нашр этилган.

Ўктам Орипов ўзининг бутун онгли ҳаётини Ватан равнақи ва халқ саломатлиги йўлида сарфлади. Фидойи олим метиндай мустаҳкам ирода ва юксак инсоний фазилатларга эга шахс сифатида ҳам ҳамкасбларига поклик, ростгўйлик, муҳими, ҳамиша ҳаётий фалсафага риоя қилиб яшашдек олижаноб мезонлардан сабоқ бериб келди. Домла беш фарзанднинг отаси ва устози бўлибгина қолмай, аввалambор ўзидаги яхши хислатларни ўз фарзандларига сингдиришга, уларни меҳнатсевар, илмга чанқоқ, изланувчан инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилди. Бугун унинг икки қизи фан доктори, профессор бўлиб етишди, кичик қизлари ҳам уларнинг йўлини тутишган.

Меҳрибон, ғамхўр устоз агар ҳаёт бўлганларида шу кунларда 80 ёшни қаршилаган бўлардилар. У кишининг порлоқ хотираси авлодлар қалбида, дунё тиббиёт фанининг ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшган олимлар қаторида абадий сақланиб қолаверади.

**Шуҳрат АБДУРАҲМОНОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори**

● *Янги китоб*

# «ФАЗИЛАТИМ — ФОЗИЛАЛИГИМ»



Вақтни ҳеч қачон тўхтатолмаймиз. Вақт бизга бўйсунмайди. Улуғ ёзувчилардан бири: «Вақт болаликда жудаям имиллаб ўтади, болалар эса тезроқ катта бўлиб қолишни истайдилар, катталарга ҳавас қиладилар, катталарнинг эркинлиги, «қатъиятлиги»га орзуманд бўлишади, бироқ улғайганингдан сўнг кунлар шунчалар тез ўтадики — йиллар киприклар юмилгунчалик сонияларга тенг бўлиб қолади», — деган эди.

Ортимизга бир назар соламиз: хотиралар жонланади. Ҳамма нарса худди кечагина бўлиб ўтганга ўхшайди. Бироқ орадан эса умримизнинг асл дамлари, куч-қувватимиз ўтиб бораётганини ҳис қиламиз.

Журналистиканинг машаққатларига дош бериб, таҳририят даргоҳини муқаддас билиб, узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилган, қанчалаб шогирдларга йўл-йўриқ кўрсатган устозларимиз жуда кўп. Мабодо, аллақачон тарихга айланган, давр ҳақиқатларини ўз бағрига олган газеталар тахламларини варақласак, уларнинг мақолаларига кўзимиз тушади. Умрлари узоқ бўлсин, уларнинг кўпчилиги ҳозир орамизда. Газеталаримиз биносига тез-тез келиб туришади.

Муқаддас Солиҳ қизи ҳам эътиқодли, фидойи устозларимиздан. Опамиз ҳозирги «Туркистон» газетасида узоқ йиллар ишлади. Ёшлар ахлоқ-одоби, маънавияти тўғрисида туркум мақолалари чоп этилди. Кўплаб ёшларга устозлик қилди.

Буни қаранг, 2006 йилимиз охирлаётган кунларда опа янги китобини олиб таҳририятимизга кириб келди. Китобни «Фазилатим — фозилалигим» деб номлабди. Муқаддас опанинг китобини варақлаб кўриб, инсон ўз умрининг ўтган кунларига назар солиб ўз ҳаётини имтиҳон қилади, бошқаларни ҳам умрнинг ўткинчилигидан, ўтаётган ҳар дақиқанинг ғанимат эканлигидан огоҳ этади, деган фикрга келдик китобдан инсоннинг ўз ҳаёти давомида огу-шуурида туғилган хулосалар, кўнгил қаърида тўпланган ҳаёт ҳақиқатлари жой олган. Бу китоб ҳаётнинг паст-баланди, аччиқ-чучугини татиган, умрнинг равон ва нотекис сўқмоқларини босиб ўтган ижодкор қалбини нурлантирган туйғулар чизгиси десак хато бўлмас.

Китобнинг ўзига хос жиҳати — унда аёл кўнглининг нозик қирралари акс этган. Оила қадри, опа-сингилларимизнинг ҳаё ва ибо, сабр ва меҳр тушунчаларини бошига тож қилишдек улуғ фазилатлар қаламга олинади. Аёл учун энг муқаддас хислатлар хусусида фикр юритилади. Аёлнинг жамиятдаги, оиладаги ўрни бобида мулоҳазалар ўртага ташланади.

Китоб уч қисмдан иборат. Ҳар бир қисмда қандай воқеа-ҳодисалар, турмуш манзаралари тасвирланмасин, уларни бир тушунча боғлаб туради, яъни борлиққа нисбатан аёл нигоҳи, оналик қалб кўзи билан боқаётган инсоннинг, муқаддас аёлнинг гўзал фазилати боғлаб туради.

**Нор ҚОБИЛ**

● *Умид ниҳоллари*

# ҚАДИМ НАВОЛАР СЕҲРИ

***Хоразм санъати азал-азалдан ўзининг жозибадорлиги, шўх-шодонлиги ва бетакрорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Хоразм наволарини эшитган ҳар бир киши қалби завққа тўлади, беихтиёр рақсга тушиб кетгиси келади, тушади ҳам. Бугун Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров, Олмахон Ҳайитова, Султонпошша Ўдаева каби етук санъаткорларга ҳавас қилиб, кўплаб ёш истеъдодлар вояга етмоқда. Улардан бири —Нодира Искандаровадир. У 1983 йилда Хоразм вилояти Хонқа туманида туғилган. Айни пайтда Тошкент давлат санъат институтида таҳсил олмоқда. «Чағаллақ», «Совчилар», «Галмади-галмади» каби қўшиқлари билан кўпчиликнинг эътиборига тушаётган хонанда.***



— Дастлаб Хоразмдаги Ҳожихон Болтаев номидаги мусиқа мактабида таҳсил олдим, — дейди Нодира. — Кейин Тошкентга келиб, эстрада ва цирк коллежига ўқишга кирдим. Мен ўзим санъаткорлар оиласида туғилганман. Биринчи устозим онам Сафаргул Рўзметова. Ўзлари ҳам санъаткор. У киши менга ҳаётда ҳам, ижодда ҳам жуда кўп йўл-йўриқ кўрсатадилар. Катта опам Ирода Искандаровани кўпчилик эстрада хонандаси сифатида яхши танийди. Улар санъатда ўз йўлимни топишимда қўлдан келган ёрдамини аямайди.

**— Репертуарингиздаги қўшиқларнинг аксарияти халқ термаларидан иборат экан. Бунга сабаб нима?**

— Шуни тан олиб айтиш керакки, қадимда халқимиз куйлаган аксарият қўшиқлар бугун унут бўлиб бормоқда. Бу эса тарихимизни, миллийлигимизни ва қадим санъатимизни ҳурмат қиладиган ҳар бир юртдошимизни ўйлантиради. Уларни қайтадан халқнинг эътиборига ҳавола этиш — бугунги ёшларнинг вазифаси деб ўйлайман. Ҳозир ана шу куй-қўшиқларни халқимиз соғинган. Худди шу мақсадда мазкур жанрга қўл урганман. Дастлаб эски оҳангларни излаб топдик, уларга сайқал бердик. Тўғриси, бошида уларни куйлашга қўрқдим. Чунки бузиб қўйишдан хавотирда эдим.

Бу каби қўшиқларимизда миллийлик, хусусан, фақатгина халқимизга хос бўлган лутф, ҳурмат, турли хил анъана ва урф-одатлар мужассам. Бу қўшиқларни куйлагач, мен шундай хулосага келдим: қадимги қўшиқларимиз тенгдошларим маънавиятининг юксалишига, уларда тарихимизга нисбатан ҳурмат ҳиссини оширишга хизмат қиларкан. Шунингдек, уларни дунёга кўз-кўз қилсак, жаҳон аҳли ўзбекларнинг боқий, бетакрор санъатига ҳурмат билан қарашади.

**— Айни пайтда кимлар билан ижодий ҳамкорлик қилмоқдасиз?**

— Устозим Аваз Маллабоевдан миннатдорман. У киши санъатнинг илоҳийлиги, муқаддаслигини доимо таъкидлаб келадилар. Шоирлардан Ўктам Давлетов, Азизбек Турдиевлар билан ижодий ҳамкорлик қилмоқдамиз.

**Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири**

● *Тақдимот*

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ МАНБАИ

Тошкент юридик коллежида бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимларнинг янги нашрдан чиққан китоблари тақдимоти бўлиб ўтди. Коллеж директори, юридик фанлари доктори, профессор Озод Ҳусанов тақдимот маросимини очаркан, мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни оширишда юридик мавзудаги китобларнинг аҳамияти ҳақида тўхталди.

— Яқин ўтмишда ўзбек олимларининг ҳуқуқ тарғиботи йўналишидаги китоблари бармоқ билан санарли даражада эди, — деди Тошкент давлат юридик институти ректори, профессор Мирзаюсуф Рустамбоев. — Очиғи, бундай китобларни яратишнинг ва чоп эттиришнинг имкони бўлмаган. Адабиётларнинг жуда камлиги билим даргоҳида таҳсил олаётган ёшларнинг талаб даражасида билим олиш, ўқув машғулотларини ўзлаштиришларида қийинчиликлар туғдирар эди. Истиқлол бизга ана шундай муаммоларни ҳал этишга кенг имконият очиб берди. Энг қувончлиси, бу адабиётларни бизга ҳуқуқ институти, коллеж ва лицейларнинг энг тажрибали, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган мутахассис ва муаллимлар ёзиб берди.

Дарсликларнинг асосий мавзуини мамлакатимизда ҳуқуқ борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, уларнинг натижалари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасидаги мақсад ва вазифалар ташкил этади. Маълумки, ҳуқуқ соҳасини ўрганишга киришаётган ҳар бир талаба экология, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, конституциявий ҳуқуқ ва ўнлаб йўналишлардаги қонунларни дарсликлар орқали чуқур ўзлаштирадилар, ҳуқуқий билимларини оширадилар. Айниқса, О.Ҳусановнинг «Конституциявий ҳуқуқ», Л.Холлиев ва А.Икромовларнинг «Экология ҳуқуқи», В.Турсуновнинг «Ижтимоий таъминот ҳуқуқи» ва бошқа муаллифларнинг дарсликлари талабалар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Меҳринисо ҚУРБОНОВА**

● *Спорт*

# «ПАХТАКОР» ВА «НЕФТЧИ»

## 2007 йилда Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя этади

Йилдан-йил нуфузи ортиб бораётган Осиё чемпионлари лигасининг 2007 йилги гуруҳ баҳсларига қуръа ташланди. Ушбу мусобақада юртимиз шарафини мамлакат чемпиони ва Ўзбекистон кубоги соҳиби «Пахтакор» ҳамда ўтган мавсумда иккинчи ўринни эгаллаган «Нефтчи» жамоалари ҳимоя қилади.

Қуръа натижаларига кўра, пахтакорчилар ОЧЛнинг «В» гуруҳида «Ал-Қувайт» (Қувайт), «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони), «Истиқлол» (Эрон) жамоалари билан куч синашадиган бўлди. Фарғоналиклар эса «С» гуруҳида Суриянинг «Ал-Карама» СК, Ироқнинг «Ал-Нажаф», Қатарнинг «Ал-Садд» футболчилари билан чорак финалга бериладиган ягона йўлланма учун баҳс юритишади.

Гуруҳ босқичининг дастлабки тур учрашувлари 2007 йилнинг 7 март куни уюштирилади. Шу куни «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида Эроннинг «Истиқлол» футболчиларини қабул қилса, фарғоналиклар сафарда Ироқнинг «Ал-Нажаф» вакиллари меҳмони бўлади.

Хўш, мазкур мусобақа олдидан «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари раҳбарларининг фикрлари қандай? Қуръа натижаларидан уларнинг кўнгли тўлдими?

— Гуруҳларга тақсимланган йигирма саккиз жамоанинг ҳар бири қитъада ўз мавқеи ва ўрнига эга, — дейди «Нефтчи» жамоаси бош мураббийи Юрий Саркисян. — Жумладан, рақибларимиз хусусида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Сурия чемпиони «Ал-Карама» жамоаси ўтган мавсумда мусобақа финалчиси бўлганди. Қатарликлар билан 2005 йилда бир гуруҳда тўп сурганмиз. Шогирдларим Ироқнинг «Ал-Нажаф» футболчилари билан эса илк маротаба рўбарў келишади. Мақсадимиз эса рақиб ким бўлишидан қатъи назар, зафар қучиш ва ишқибозларимизни хурсанд қилишдан иборат, деб ўйлайман.



«Пахтакор» футбол клуби вице-президенти Самвел Бабаян эса қуйидаги фикрларни билдирди:

— Рақибларимизни кучли ёки кучсиз демоқчи эмасман. Тўғри, гуруҳимиздан бошқаларига нисбатан бирмунча номдор клублар жой олган. Аммо бундан ортиқча саросимага тушаётганимиз йўқ. Футболчиларимизнинг аксарияти бу нуфузли турнирда анчадан бери қатнашиб келишмоқда. Ишонаманки, уларнинг тажриба ва маҳорати баҳсларда муваффақиятли иштирок этишимиз учун жуда қўл келади.

**Эркин ХОЛБОБО**

● *Байрам дастурхонига*

# ЯНГИЧА ДИМЛАМА

Одамлар байрамларга пухта ҳозирланиб, дастурхонларини чиройли тузашга ҳаракат қиладилар. Лекин, тансиқ овқатлардан қайси бирини тайёрлаш ҳақида ўйланиб қолишади. Шу муносабат билан байрам дастурхонига халқимиз суйиб тановул қиладиган димламалардан бирини тавсия қилмоқчимиз. Маълумки, Фарғонада қўй гўштини бўлакларга бўлиб, сабзавотларга қўшиб димлашни хуш кўрадилар. Тошкентда эса картошка ва гўштни алоҳида қизартириб олгач, кейин димлаш одатга айланган.

Янгича димламани тайёрлаш учун қўй гўшти, думба, картошка ва зираворлар лозим бўлади. Қўй гўштини киши бошига 150 — 200 граммдан бўлиб чиқилади. Картошкани танлаганда яхшиси тухумдан кичикроғини олиш маъқул. Акс ҳолда тухумдан каттароқ картошкани иккига бўлишга тўғри келади. Шундай қилиб, меҳмонга чақирилган ҳар қайси одам учун 4-5 донадан картошка саралаб қўйинг. Энди думбани 1 см. қалинликда япроқланг. Масаллиқни тайёрлагунга қадар қозон суст олувда қизиб тургани мақсадга мувофиқ. Чунки, япроқланган думба бўлакчаларини қозон тагига худди нон ёпгандек териб чиқилади. Думба жизиллай бошлагач устига бир текис қилиб картошка тахланади. Унинг устига кашнич уруғи, зира, ўртача аччиқликдаги майда қалампир ва туз аралашмасидан шакар сепгандай солинади. Кейин гўшт бўлакларини картошка устига бир текис тахлаб, унинг усти ҳам зираворланади. Сўнг қозонга қопқоқни босасиз. Таом ўчоқда тайёрланаётган бўлса оловни пасайтириб турилади. Лекин ўчиб қолмасин. Газда бўлса қозон тагидан жизиллаган товуш келиб турган ҳолатига қадар оловни пасайтириб қўйсангиз бўлгани. Таом 1,5-2 соатда тайёр бўлади.

**«Тансиқ таомлар» китоби асосида тайёрланди.**


## «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

**2007 йил 30 январь ва 2,6,9,13,16,20,23,27 февраль кунлари аукцион савдоларини ўтказади**

**Савдоларга Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан аукцион савдоларига чиқарилган, Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади**

| Объект манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Қуриладиган мажмуа тури |
|---|---|---|
| Мирзо Улуғбек тумани | | |
| ТТЗ-4 мавзеси, Мунаввар қори кўчасида, 0,1 га. | 7 835 688 | Гузар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Юнусобод тумани | | |
| Ҳасанбой-2 мавзесида, 0,025 га. | 1 360 688 | Савдо, тиббий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |

Ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархларига ер участкасини лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш харажатлари қўшилган.

**Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киради:**

1. Ер участкасининг чегараси.
2. Меъморий-лойиҳа вазифалари: АПЗ-I, АПЗ-II.
3. Топографик съемка, масштаб 1:500.
4. Муҳандислик-геологик хулоса.
5. Шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер майдонларига бошланғич нархидан 5% миқдоридаги закалат пулини тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал 18.00 да тўхтатилади.

Закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.**
**Мурожаат учун телефон: 133-23-40.**
**Гувоҳнома № 000815**


● **Интер-спорт**

## «БРИЛЛИАНТ ТЎП»ГА ХОС ҲАЗИЛ



Маълумки, ФИФАнинг йилнинг энг яхши ўйинчиси мукофоти учун бериладиган «Бриллиант тўп»ни бу сафар бразилиялик Роналдиньо олади деган гаплар ҳам ҳазил бўлиб чиқди. Чунки бундай гаплар газеталарда эълон қилинганда Испанияда биринчи апрелга хос ҳазил кунлари нишонланаётган экан.

Испаниядаги нуфузли «Marca» газетаси эса Италия терма жамоаси ҳимоячиси Фабио Каннаваро ана шундай ҳазил оқибатида «Бриллиант тўп»ни қўлга киритган деб ёзади. Бунга сабаб футболчиларни овоз бериш йўли билан аниқлаш пайтида ҳазил кунлари давом этаётган бўлиб, мукофот Фабиога насиб этган экан. Қизиғи шундаки, бу мукофотни Зинедин Зидан ололмайдиган бўлди. Боиси, Зидан томони овоз бериш чоғида хатога йўл қўйган. Фабио тарафдорлари эса Зидан қуруқ қолмаслиги учун бундай мукофотнинг ўзига хос нусхаси унга берилса қандай бўларкин, деган фикрни билдиришмоқда.

## РОНАЛДО БАЙРАМНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ

Мадриднинг «Реал» клуби раҳбариятининг жамоа тўпурари Роналдонинг янги йил таътилини Бразилияда ўтказаётганидан хавотирланиши бежиз эмас. «Te Contei!» газетасининг ёзишича, тўпурар байрам оқшомида кайф-сафога берилиб, тонггача ўтирган. Маҳаллий шифокорлар бундай ҳолат унинг соғлиғи ва вазнига салбий таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида гапиришган. Роналдо эса дўстлари Ромарио билан Эдмундо ва қизлар даврасида гурунг қилишни давом эттираверган. Лекин, «Реал» раҳбарияти футболчини хурмача қилиғини муносиб жазолашга ҳозирланмоқда. Агар Роналдо «Реал»га қайтган вақтида ортиқча вазн йиққан бўлса, жазо ҳам шунга яраша белгиланар экан.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Bobir ALIMOV**
**Turobjon JO`RAYEV**
**Feruz NAZIROV**
**Murodulla ABDULLAEV**
**Ulug`bek MUSTAFOYEV**
**Olim MURODOV**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Baxtiyor DO`SJONOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**Akbar JONUZOQOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Matnazar ELMURODOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**


**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**


Г — 1450
*7037 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 22.00
1 2 3 4 5
**Sotuvda erkin narxda**